



АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИНИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси доценти, PhD

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a9

Аннотация. Мазкур мақолада асосий воситалар таҳлилининг методикаси, унинг мазмуни, мавзунинг долзарблиги, илмий тадқиқотларда тадқиқот бўйича ёндашувлар, муаллифнинг таҳлил этиш методикаси келтирилган. Мақолада асосий воситалар таҳлилининг босқичлари, мақсади, вазифалари, объекти, субъектлари талқин қилинган. Тадқиқотлар натижасида асосий воситалар таҳлилини ташкил этиш бўйича мунозарали жиҳатлар келтирилган.

Калит сўзлар: асосий воситалар, асосий воситалар таҳлилининг методикаси, асосий воситалар таҳлилини ташкил этиш босқичлари, асосий воситалар таҳлилининг мақсади ва вазифалари, асосий воситаларнинг техник ҳолати, асосий воситаларнинг ҳаракати, асосий воситалардан самарали фойдаланиш.

МЕТОДОЛОГИЯ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна
Доцент Банковско-финансовой академии
Республики Узбекистан

Аннотация. В данной статье представлена методика анализа основных средств, его содержание, актуальность темы, исследовательские подходы в научных исследованиях, а также авторская методика анализа. В статье исследуются этапы, цель, задачи, объект, субъекты анализа основных средств. В результате исследования представлены спорные аспекты организации анализа основных средств.

Ключевые слова: основные средства, методика анализа основных средств, этапы организации анализа основных средств, цель и задачи анализа основных средств, техническое состояние основных средств, движение основных средств, эффективное использование основных средств.

METHODOLOGY FOR ANALYSIS OF FIXED ASSETS

Abdujaborova Mamura Toshmuxamadovna
assistant professor of Banking-finance academy
of Republic of Uzbekistan

Abstract. This article presents the methodology for analyzing fixed assets, its content, the relevance of the topic, research approaches in scientific research, as well as the author's analysis methodology. The article examines the stages, purpose, objectives, object, subjects of analysis of fixed assets. As a result of the study, are presented controversial aspects of organizing the analysis of fixed assets.

Key words: fixed assets, methodology for analyzing fixed assets, stages of organizing the analysis of fixed assets, the purpose and objectives of the analysis of fixed assets, technical condition of fixed assets, movement of fixed assets, efficient use of fixed assets.

Кириш. Иқтисодиёт субъектлари хўжалик юритиш турлари ва шароитлари ўзгариши, рақамли ва инновацион фаолиятнинг ривожланиши билан иқтисодий таҳлилнинг методологияси ҳам ўзгармоқда.

Корхонанинг стратегик ривожини асосий воситаларнинг мавжудлиги, уларнинг ҳолати, ҳаракати ва фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омиллар-

дан бири асосий воситалардан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Асосий воситалар билан тўлиқ таъминланганлик белгиланган ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш ва операция фаолият самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Янги асосий воситалар ва замонавий технологияларнинг қўлланилиши меҳнат унумдорлигининг ошиши, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, таннархни камай-

тириш, рақобатбардошликни ошириш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Н.А.Соловьева, Е.А.Медведева тадқиқотларига биноан асосий воситалар таҳлилини қуйидаги алгоритм асосида ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [5]:

1. Асосий воситалардан экстенсив фойдаланиш йўналиши таҳлили. Жумладан:

– асосий воситалар таркиби тузилиши ва динамикаси таҳлили;

– корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги таҳлили;

– асосий воситалар ҳаракатининг таҳлили;

– асосий воситаларнинг техник ҳолати таҳлили.

2. Асосий воситалардан интензив фойдаланиш йўналиши таҳлили. Жумладан:

– асосий воситалардан интензив фойдаланишнинг хусусий кўрсаткичлари таҳлили;

– асосий воситалардан интензив фойдаланишнинг комплекс кўрсаткичлари таҳлили.

3. Асосий воситалардан экстенсив ва интензив фойдаланиш йўналишларининг корхона фаолияти асосий баҳолаш кўрсаткичларига таъсири таҳлили.

К.А.Пугина фикрига кўра, асосий воситалар таҳлили қуйидаги босқичларда амалга оширилиши лозим [3]:

Биринчи босқич. Таҳлил учун зарур ахборотларни йиғиш.

Иккинчи босқич. Асосий воситаларни тадқиқ этиш билан боғлиқ аналитик жараёнларни амалга ошириш: асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлили; асосий воситаларнинг ҳолати, тузилиши ва ҳаракатининг таҳлили; асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

Учинчи босқич. Таҳлилий ахборотларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини умумлаштириш.

Тўртинчи босқич. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш ва такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг яширин резервларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Бешинчи босқич. Ишлаб чиқилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.

Н.В.Климова талқинига кўра, асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолати

таҳлилини ўтказиш кетма-кетлиги қуйидагича ташкил этилиши керак [2]:

1) корхона ва унинг тузилмавий бўлимларининг асосий воситалар билан таъминланганлигини аниқлаш;

2) асосий воситалар таркиби ва тузилишини таҳлил қилиш;

3) асосий воситалар ҳолати даражасини ўрганиш, ҳаёт даври босқичини баҳолаш, асосий воситалар ҳаракати тенденцияси ва ўзгариш сабабларини белгилаш;

4) амортизация ажратмаларини жамғариш ва фойдаланишни таҳлил қилиш ҳамда амортизация ҳисоблаш методини танлашни асослаш;

5) асосий воситалардан, жумладан, уларнинг асосий турлари бўйича фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлилини ўтказиш;

6) асосий воситалардан фойдаланишнинг товар (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ҳажми ва корхона молиявий ҳолатига миқдорий таъсири аниқлаш;

7) асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг етакчи йўналишларини аниқлаш ва капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг манбаларини аниқлаш.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида корхоналар асосий воситалар таҳлилининг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Асосий воситалар таҳлилининг методикасини белгилаш қўйилган мақсад ва вазифаларнинг қўламига боғлиқ. Таҳлил методикасининг тўғри танлаши асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини тўғри ва ўз вақтида назорат қилиш ҳамда таҳлил ишларини тизимли ташкил этиш имконини яратади. Таҳлил босқичларининг тўғри ва мақсадга мувофиқ белгиланиши таҳлил методикасининг асосини ташкил этади.

А.И.Кагарманова, К.М.Хачапуридзе асосий воситалар таҳлили методикасини қуйидагича тадқиқ этган (1-жадвал):

Тадқиқотларга таяниб, биз асосий воситалар таҳлилини қуйидаги босқичларда ташкил этиш лозим деб, ҳисоблаймиз (2-жадвал):

Корхона асосий воситаларини баҳолаш методикалари тавсифи [1]

Муаллиф	Мақсад	Вазифалар	Методикалар тавсифи
И.Н.Чуев, Л.Н.Чуева [8]	Корхона асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	Корхона ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг асосий воситалар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш	Асосий фондлар ҳаракати ва уларнинг техник ҳолати билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш
		Асосий воситалардан фойдаланишнинг маҳсулот ҳажми ва ҳўжалик субъектининг бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш	Фонд қайтимининг омилли таҳлилини ўтказиш; Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлик кўрсаткичларини аниқлаш, жумладан: асосий фондларнинг таркиби, динамикаси, тузилиши, сифат ҳолати
Корхона ва унинг тузилмавий бўлинмаларининг асосий воситалар билан таъминланганлигини аниқлаш		Асосий воситалар ҳаракати ва техник ҳолати кўрсаткичлари динамикасини кўриб чиқиш	
Асосий воситалар тузилиши ва динамикасини ўрганиш		Улардан фойдаланиши самарадорлиги кўрсаткичлари	
Г.В.Шадрина [6]	Корхона асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун резервларни аниқлаш	Асосий воситалар фонд қайтимининг омилли таҳлилини ўтказиш
		Корхона ривожининг техник даражаси таҳлилини ўтказиш	Корхонанинг асосий воситалари таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганиш
Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги таҳлилини ўтказиш		Асосий воситаларнинг ҳаракати ва техник ҳолатини баҳолаш	
Улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилини ўтказиш		Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш, шунингдек, фонд қайтимининг ўзгариши омилларини кўриб чиқиш	
Г.В.Савицкая [4]	Корхона асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	Маҳсулот ҳажми ва фонд қайтимини ошириш резервларини аниқлаш	Асосий воситаларнинг ҳаракати ва техник ҳолатини баҳолаш
		Корхона ривожининг техник даражаси таҳлилини ўтказиш	Корхонанинг асосий воситалари таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганиш
Корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги таҳлилини ўтказиш		Асосий воситаларнинг ҳаракати ва техник ҳолатини баҳолаш	
Улардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилини ўтказиш		Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш, шунингдек, фонд қайтимининг ўзгариши омилларини кўриб чиқиш	

Асосий воситалар таҳлилининг босқичлари

№	Босқичлар	Изоҳ
1.	Асосий воситалар таҳлилининг дастури ва режасини тузиш	Асосий воситалар таҳлилининг мақсадини белгилаш
		Асосий воситалар таҳлилининг вазифаларини белгилаш
		Асосий воситалар таҳлили муддатини белгилаш
		Асосий воситалар таҳлилининг объектини аниқлаш
		Асосий воситалар таҳлилининг субъектларини белгилаш
		Асосий воситалар таҳлилининг натижаларини расмийлаштириш тартибини белгилаш
2.	Асосий воситалар таҳлили учун зарур ахборотларни ажратиш	Ҳисобнинг дастлабки ҳужжатлари ва ҳисоб регистрлари (ички таҳлил бўлганда)
		Молиявий ҳисоботлар
		Статистик ҳисоботлар
		Қўшимча ахборотлар
3.	Ахборотларнинг тўғрилигини текшириш ва таҳлил учун мослаштириш	Ахборотларни техник ва мазмун жиҳатидан тўғрилигини текшириш
		Фойдаланиладиган кўрсаткичларни таққослама ҳолатга келтириш
4.	Асосий воситалар таҳлилини ўтказиш	Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси
		Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлили
		Асосий воситалар техник ҳолатининг таҳлили
		Асосий воситаларнинг ҳаракати таҳлили
		Асосий воситалардан самарали фойдаланиш таҳлили
5.	Асосий воситалар таҳлили натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш	Фонд қайтимининг омилли таҳлили
		Таҳлил натижалари хулоса, ҳисобот, жадваллар, чизма ва б. шаклда расмийлаштирилиши мумкин
6.	Асосий воситалардан унумли фойдаланишга оид бошқарув қарорларини қабул қилиш	Жумладан:
		бўш турган ва яроқсиз асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш
		эскирган асосий воситаларни янгилаш имкониятларини аниқлаш
		актив асосий воситалар улушини орттириш орқали фонд қайтимини ошириш
		асосий воситаларни модернизация қилиш
асосий воситалардан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини баҳолаш		

Н.В.Климова фикрига кўра, асосий воситалар таҳлилининг мақсади – улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш резервларини аниқлаш, техник қайта жиҳозлаш, техник базани янгилаш ва кенгайтириш учун инвестицион қўйилмалар зарурлигини асослаш, шунингдек, корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун амортизация ҳисоблаш методини танлашни иқтисодий асослаш [2].

Фикримизча, асосий воситалар таҳлилининг мақсади корхона фаолияти узлуксизлигини таъминлаш учун асосий воситалардан самарали фойдаланиш, уларнинг техник ҳолати, уни ошириш имкониятларини аниқлашдир.

Таҳлилнинг асосий вазифалари:

асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикасини ўрганиш;

корхона ва унинг бўлимларининг асосий воситалар билан тўлиқ таъминланлигини аниқлаш;

асосий воситалардан фойдаланиш ҳолатининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирини ўрганиш;

асосий воситаларнинг ҳаракат кўрсаткичлари таҳлили;

асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари, уларнинг ўзгариши ва таъсир этувчи омилларни ўрганиш.

Асосий воситалар таҳлилининг субъектлари корхонанинг раҳбар ходимлари, инвесторлар, кредиторлар, кредит ташкилотлари ва бошқа иқтисодий субъектлар бўлиши мумкин. Асосий воситалар таҳлилинини ташкил этишда унинг асосий йўналишлари, аниқладиган кўрсаткичларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Асосий воситалар таҳлилининг асосий йўналишлари

№	Таҳлил йўналишлари	Асосий кўрсаткичлари		Изоҳ
1.	Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси	Асосий воситаларнинг горизонтал ва вертикал таҳлили		Асосий воситаларнинг ўзгариши ва жами суммадаги улушига баҳо берилади
2.	Асосий воситалар билан таъминланганлик таҳлили	Қиймат ўлчов бирлиги	$K_{\text{таъмин}} = \text{AB}_{\text{ққ}} / \text{MP}$	Ҳар бир ходим ё ишчига тўғри келадиган асосий воситаларнинг қиймати аниқланади. Кўрсаткичнинг динамик ошиши ижобий ҳолат саналади
		Натура ўлчов бирлиги	$K_{\text{таъмин}} = \text{AB}_{\text{(дона)}} / \text{MP}$	Ҳар бир ходим ё ишчининг тегишли асосий восита билан таъминланиши
3.	Асосий воситаларнинг техник ҳолати таҳлили	$K_{\text{яроқлик}} = \text{AB}_{\text{ққ}} / \text{AB}_{\text{бқ}}$		Коеффициентнинг меъёр даражаси $>0,5$
		$K_{\text{эскириш}} = \text{AB}_{\text{эқ}} / \text{AB}_{\text{бқ}}$		Коеффициентнинг меъёр даражаси $<0,5$
4.	Асосий воситалар ҳаракатининг таҳлили	$K_{\text{кирим}} = \text{КАВ} / \text{АВЙОБҚ}$		Коеффициентнинг динамик ошиши ижобий ҳолат
		$K_{\text{янгилаш}} = \text{ЯАВ} / \text{АВЙОБҚ}$		Коеффициентнинг динамик ошиши ижобий ҳолат. Коеффициент максимум $K_{\text{кирим}}$ га тенг
		$K_{\text{чиқим}} = \text{ЧАВ} / \text{АВЙББҚ}$		Коеффициентнинг, одатда, динамик камайиши ижобий ҳолат
		$K_{\text{алмаштириш}} = \text{КАВ} / \text{ЧАВ}$		Коеффициентнинг меъёр даражаси >1
5.	Асосий воситалардан самарали фойдаланиш таҳлили	$\text{Фқ} = \text{МХ} / \text{АВ}_{\text{ўрт}}$		Коеффициентнинг динамик ошиши ижобий ҳолат
		$\text{Фс} = \text{АВ}_{\text{ўрт}} / \text{МХ}$		Коеффициентнинг динамик камайиши ижобий ҳолат
6.	Белгилар изоҳи: $\text{AB}_{\text{ққ}}$ – асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати; MP – меҳнат ресурслари (ходимлар, ишчилар) сони; $\text{AB}_{\text{ққ}}$ – асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати; $\text{AB}_{\text{бқ}}$ – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати; $\text{AB}_{\text{эқ}}$ – асосий воситаларнинг эскириш қиймати; КАВ – кириш қилинган асосий воситалар қиймати; АВЙОБҚ – асосий воситаларнинг йил охиридаги бошланғич қиймати; ЧАВ – чиқиб кетган асосий воситаларнинг қиймати; АВЙББҚ – асосий воситаларнинг йил бошидаги бошланғич қиймати; Фқ – фонд қайтими; МХ – маҳсулот ҳажми; $\text{АВ}_{\text{ўрт}}$ – асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати; Фс – фонд сифими.			

Асосий воситалар таҳлилини ўтказишда бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бошқарув ҳисоботлари, статистик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлар маълумотлари ва қўшимча маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Асосий воситалар таҳлилининг натижалари хулоса, баённома кўринишида расмийлаштирилади.

А.Д. Шеремет асосий воситалардан фойдаланишнинг молиявий ҳолат ва иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини қуйидагича талқин этган (4-жадвал):

4-жадвал

Асосий воситалар билан боғлиқ хўжалик операцияларининг молиявий ҳолат ва корхона фаолияти натижаларига таъсири [7]

Муомала мазмуни	Корхона молиявий ҳолати ва фаолияти натижаларига таъсири
Асосий воситаларнинг килими	
Юридик ва жисмоний шахслардан текинга олиниши	Корхона ўз капитали миқдори ошади
	Бир томондан корхона молиявий аҳволи барқарорлиги ўсишига олиб келади, иккинчи томондан маҳсулот таннархида амортизация ажратмалари ва таъмир харажатлари улушининг ошишига олиб келади
	Текинга олинган асосий воситаларнинг паст фонд қайтими боис фойда ва рентабеллик камаяди
	Дастлабки ёки қолдиқ қийматга тўғри келадиган корхонанинг реализациядан ташқари даромадлари ошади
	Бир вақтнинг ўзида эскириш ҳисобига реализациядан ташқари харажатлар ҳам ошади
	Ўтказиб бериш бўйича харажатлар суммасига махсус фондлар, соф фойда, ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойда каби кўрсаткичлардан бирортаси камаяди
	Умуман, қабул қилинган асосий воситалар ҳисобига баланс фойдаси ошади
Асосий воситаларнинг сотиб олиниши	Корхона активлари ошади, капитал тузилиши ўзгаради.
	Умуман, барча капиталнинг айланиши секинлашади, энг юқори ликвидли активларнинг миқдори камаяди, тўловга қобилиятлилик ёмонлашади
	Ўтказиб бериш ва объектнинг монтажи харажатлари қийматига соф фойда ёки жамғарма фонди камаяди
	Оборот маблағлари тўланган ҚҚС суммасига ошади
	Мулк солиғи суммаси ошади
	Транспорт воситалари сотиб олинганда, ҚҚСдан ташқари транспорт воситасини харид қилганлик учун солиқ тўланади
Транспорт воситалари эгалари тўлайдиган солиқ суммасига ишлаб чиқариш харажатлари ошади	
Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижараси	Оборотдан ташқари активлар ва ижарачилар олдидаги мажбурият суммаси ошади
	Даврий равишда ижара тўлови ва ижара фоизи суммасига пул маблағлари камаяди
Асосий воситаларнинг жорий ижараси	Ижарачининг ижара тўловлари ва капитал таъмирлаш суммасига харажатлари ошади
Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши	
Асосий воситаларнинг ижарага берилиши	Берилган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳисобига соф фойда, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойда суммаси камаяди
	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича ҚҚС суммаси ошади
	Асосий воситаларнинг суммаси камаяди
Шўъба корхонасининг устав капиталига улуш сифатида киритилиши	Қолдиқ қийматидан юқори келишув нархи асосида киритилиши корхонанинг реализациядан ташқари даромадларининг ошишига олиб келади
	Акс ҳолда зарар соф фойда ёки жамғарма фонди ҳисобига қопланади
Асосий воситаларнинг сотиб олиниши	Корхона баланс фойдаси ошади
	Асосий воситалар ҳажми камаяди
	Баланс ликвидлиги ошади
	Барча капиталнинг айланиши тезлашади
	Фойда солиғи нуқтаи назаридан сотишнинг оптимал варианты бозор қийматидир
Асосий воситалар ликвидацияси	Бироқ асосий воситалар сотилаётган объектларда мазкур муомала баҳоси, биринчи навбатда, корхона ишлаб чиқариш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан амалга оширилиши лозим
	Ҳар бир ликвидация қилинаётган объект бўйича молиявий натижа аниқланади
	Корхона ўз манбалари бюджетга тўланмаган ҚҚС суммаси ва ликвидацияланаётган объектнинг тўлиқ амортизаланмаганлиги ҳисобига камаяди

Шунингдек, корхоналарда асосий воситалар объектлари бўйича таққослама таҳлилнинг ўтказилмаслиги ва улар бўйича молиявий натижалар аналитик ҳисобининг юритилмаслиги кузатилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлардан кўринадики, асосий воситаларни таҳлил этишда қуйидаги мунозарали жиҳатлар мавжуд:

1) асосий воситалар таркиби ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилмаслиги ташқи фойдаланувчига уларнинг актив ва пассив қисмини аниқлашни қийинлаштиради;

2) асосий воситаларнинг техник ҳолатини аниқлаш учун қўлланиладиган кўрсаткичларнинг умумий тавсифи нотўғри таҳлилий хулосага олиб келади (жумладан, айнан актив

асосий воситаларнинг техник ҳолати салбий кўриниш касб этган бўлиши мумкин);

3) айнан маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми ҳақидаги ахборотнинг молиявий ҳисоботларда ва уларнинг изоҳида акс эттирилмаслиги ташқи фойдаланувчилар учун асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш имконини чеклайди.

Асосий воситалар таҳлили бошқарув қарорларини қабул қилиш учун етарли ахборот базасини шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш имконини беради.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш даражаси маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги, маҳсулот (иш, хизмат) таннархи каби кўрсаткичларнинг ижобий тавсифга эга бўлишини рағбатлантиради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кагарманова А.И., Хачапуридзе К.М. Методика анализа основных средств предприятия. // Научно-практический электронный журнал Аллея Науки, № 1(28), 2019, Alley-science.ru
2. Климова Н.В. Направления совершенствования методики анализа состояния и эффективности использования основных средств. Экономический анализ: теория и практика. 6 (111), 2008. 22-30 стр.
3. Пугина К.А. Методика проведения анализа основных средств. / К.А.Пугина, С.Н.Хуаде, В.А.Сухенко. // Новая наука: от идеи к результату. 2015. № 6-1. С. 123-125.
4. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. Учебное пособие. – Минск: Новое издание, 2016. – 683 с.
5. Соловьева Н.А., Медведева Е.А. Анализ основных средств и эффективности их использования. Учебное пособие. – Красноярск, 2006.
6. Шадрин Г.В. Экономический анализ. Учебник для бакалавров. – М.: ЮРАЙТ, 2016. – 515 с.
7. Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2006.
8. Чуев И.Н., Чуева Л.Н. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. Учебное пособие. – М.: КФЭИ, 2014. – 368 с.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ҲИСОБИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Азимова Феруза Пайзиевна
Тошкент тўқимачилик ва енгил
саноат институти

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a10

Аннотация. Ушбу мақолада дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган қарзлари (кредиторлик) ҳамда уларнинг қопланиши, иқтисодий нафнинг камайиши, яъни мавжуд активларнинг камайиши тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Калит сўзлар: дебитор, кредитор, даромад, тўқимачилик саноати, ишлаб чиқариш, тўлов қобилияти, давлат бюджети, молиявий ҳолат, кредиторлик қарзлари, дебиторлик қарзлари.